

ЙЎЛДОШ ЭШБЕК

МОВИЙ ТУРНАЛАР

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
1987

Ўз 2
Э 99

Э $\frac{4702570200-191}{M552 (04)-87}$ Доп.—87

© Гафур Ғулом номдаги
Адабиёт ва санъат наш-
риёти, 1987 й.



САБУРЛАР ПОРЛАЙДИ

Сабурлар гуллайди хаёлларимда,
Мевалари гулдир, гуллари мева.
Мен иксир излайман саволларимга,
Аликсир истайман, бардошим, сенга.

Неки ёруғлик бор, саботлар сўрар,
Саволлар туғдирар ва қолдирар из.
Менинг ўйларимда туғилган нурлар —
Боболар қонига ҳаёт берган ҳис.

Муаттар-муаттар потрайди сабур,
Хаёлимда менинг порлайди сабур.
Ўсиб ўйларимда тунлар сабурлар,
Улкан дарахтларга дўнар сабурлар.

Инсон хаёллари аллақачон чўнг,
Инсон хаёллари зарёдиш, муртак.
Улуғдир, жажжидир гоҳ чап, гоҳо ўнг,
Гоҳ шифо дарахти, гоҳо чўкиртак.

Чўнг хаёл ҳамиша ёр бўлсин бизга,
Юртим, улуғ ишда тилагин сабот.
Сабурлар гуллайди тақдиримизда,
Биз шифо элтамиз сенга ҳам, ҳаёт!

Энтикиб ёлқинли шамолларингга
Кўксимиз тутамиз, шан олов, сафо.

Сабурлар порлайди хаёлларингда,
Сен шифо дарахти, излайсан шифо!

Ё дармон, ё армон мавж урган денгиз,
Гўзал орзуларда тўлғонар сўнгсиз,
Усиб, хаёлимни ёрар сабурлар,
Боғларга айланиб борар сабурлар.

Ўзбекистон — менинг бағри баҳорим,
Ҳар мардинг бағрингда яйрасин, кулсин!
Ҳар мардинг бағрида сабурлар боғи,
Сабурларинг сенинг муборак бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН, АЛЛАЛАРИНГДА...

Тонглар бағри мовий, ифорли,
Бугдойзордан келур хуш насим.
Туманларда ҳарир, зангори,
Булбулларда янграган сасим.

Тоғларимнинг чўққиларида
Осмонни кўтарган қўлларим.
Адирларнинг яшил бағридан
Ўтар ёлғизоёқ йўлларим.

Ялпиз исли шамолларингда
Оппоқ бўлиб ғарқ пишди тутлар.
Она юртим, хаёлларимда
Нажим кунлар. Некбин умидлар.

Хуш-мулойим, сут каби илиқ
Саҳарларинг симирганимда,
Орзуларга юрагим тўлиб,
Йироқларга югурганимда,

Ҳар тарафда мушку анбарлар,
Лолаларинг ёлқинин сездим.
Ҳа, мен билан алвон саҳарлар,
Райҳон ҳидли шомларинг кезди.

Энтикади далаларингда
Турфа рангли нафасинг — бедор.
Ўзбекистон, аллаларингда
Уйғотгувчи илтижолар бор!

ИИҒЛАЁТГАН ҚИЗ

Бу оғир боғ ичра оғир қадамлар
Ташлаб кетаётган оғиргина қиз,
Дунё кўзларингдан дунё аламлар —
Томчилар — ҳар бири бир улкан юлдуз.

Томчилар кўзингдан норасидалик,
Сўзга айланмаган ёниш томчилар.
Бешафқат дийдорми оғир жудолик,
Йўқотиш томчилар, топиш томчилар.

Йўқ, сени алдаган, биров алдаган.
У сени севгандир, йўқ, йўқ, севмаган.
Кўксингга чиройли ўқлар қадаган.
Бировлар алдаган, биров алдаган.

Томчилар кўксингдан келаётган куз,
Оғулар томчилар, гуллар томчилар.
Яқин хотиралар... идрок фаромуш.
Виждонингни ўйиб урар томчилар.

Виждонсиз номусли ниқобин қўймас,
Виждоннинг ҳар дами руҳий изтироб.

Виждонсиз хатосиз кунлардан тўймас,
Виждон — бу хатодан улғайган азоб.

Сени юпатмоққа журъат йўқ менда,
Сен — менинг кечмишим, умрим бўлаги.
Фақат мен қайғулар тиларман сенга,
Каттакон қувончининг унсиз ўланин!

Алданмоқ тиларман сенга кўп марта,
Алданмоқ — дунёга назар, англамоқ.
Алданмоқ — кўз ёши қилмоқ, йўқ, артмоқ,
Алданмоқ — курашга отланмоқ демак.

Йиғламоқ тиларман, қайнаб йиғлагин!
Тишларингни секин қайраб йиғлагин!
Унта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!
Юзта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!

Мингта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!
Паймонанг тўлгунча, тўйгунча йиғла!
Улар лаззатхўрлар, қароқчилардир,
Умрлари узун, узундир, афсус!

Улар беномуслар алдоқчилардир,
Бу дунё аслида, йиғлаётган қиз.
Мен сенга қўшилиб йиғлай олмасман,
Фақат бош эгаман қайғунгга сўзсиз.
Мен сенга топиниб асло толмасман,
Мен сени севаман, йиғлаётган қиз!

ТОҲИР

Ағдарилиб-тўнтарилиб дарё чопар,
Дарё билан норлар каби тоғлар чопар,
Қирғоқ билан далалару ҳар ён чопар,
Сув бетида оқаётган қандай одам?

Дарё, дарё, тўлқинларинг қутурганми,
Золимиди, у одамдан қутулганми,
Зўр эдими, сенга жангда ютилганми,
Сув бетида оқаётган қандай одам?

Мен билмайман, нега олам бунча вайрон,
Олам аҳли бунча ҳалак, бунча ҳайрон,
Жабборгамас, жонин берар шунга жаҳон,
Сув бетида оқаётган қандай одам?

Асовмисан, шунча зотдан чайирмисан,
Ғофилмисан, айёرمисан, зайилмисан,
Сен жаҳондан айримисан, ғайирмисан,
Сув бетида оқаётган қандай одам?

Яхшимиди, ёмонмиди, ҳар ёнда жон.
Сен бағритош дунёмисан, далли туғён,
Мен билмайман, сўнгаларим чекар фиғон,
Сув бетида оқаётган қандай одам?

Зўр ишларга содда дили кўп бурчлидир,
Бегуноҳу бир макрга ё дучмидир,
Қўрқоқ бунча қийноқ кўрмас, у кучлидир,
Сув бетида оқаётган қандай одам?

Кўнглим сезар: яхши одам — ғамлар тортган,
Фариштадай юзларида терлар қотган,
Кўзларига пок юлдузлар чўкиб ётган,
Сув бетида оқаётган қандай одам?

Кичик, катта, қўл чўзади дарё сари,
Алам, калта, қўл чўзади дарё сари,
Олам ҳатто қўл чўзади дарё сари,
Сув бетида оқаётган қандай одам?

Ватанидан жудо бўлган зот сингари,
Қийналдими ўз юртида ёт, сарсари,

Ким бўлса ҳам, хўрлик кўрган жон-жигарим,
Сув бетида оқаётган қандай одам?

Балки сенсан, балки менман, балки дунё,
Сувларинг-эй, дурлар бўлсин, далли дарё,
Бир шафқат қил — қийналганга ҳиммат раво,
Сув бетида оқаётган ким бўлса ҳам!

Қара, дарё, оқиб борар қандай одам!

* * *

Титраб-титраб қўяди кўкрак,
Кўтарилиб тушади чойшаб...

«Ой, сен мени қўшиққа ўраб
Кўтарасан далалар оша.

Деразамнинг ортидан дарахт
Кириб, бошим узра селкиллар.
Атрофимда энтикади Бахт,
Сен шоҳ десам, қулдай эгилар.

Қушдай учиб кирар юракка,
Хавотирга солиб қувончим.
Бу хавотир мағрур юрмакка
Орттиради яна ишончим.

Ҳеч ҳам уят эмаскан, эсиз,
Мен қийналиб, ҳам қийнаб сени...»

...Ҳаяжонда энтикади қиз,
Хотирлайди илк бўсасини.

Атрофни оқ тонларга ўраб
Бу дам сўниб боради Ой — шам.
Титраб-титраб қўяди кўкрак,
Кўтарилиб тушади чойшаб.

* * *

Ҳаммаёқ анвойи гулларга тўлмиш,
Ҳар ёқда қушчалар сайрайди бедор.
Менинг руҳимда ҳам зўр байрам бўлмиш,
Бугун сен тушимга кирибсан, баҳор!

Кўп узоқ йиллардан сўнги висолга
Ухшайди сен билан ушбу мулоқот.
Табиат ўхшайди ажиб хаёлга,
Хаёлга ўхшайди бу гўзал ҳаёт!

Бу рангни, муаттар чечаклар аро
Қизчалар капалак сингари чопмиш.
Кўкда жим кезинган булутлар қаро
Ўзгариб бир гўзал мовий ранг топмиш.

Одамлар гуллардай куйламиш мамнун,
Қушлардай қўшиқлар айтмиш бағрингда.
Ташаккур, тушимга кирганинг учун!
Э, баҳор! Гул очган дарахтларингдан!

Дилимни бир қўрқув буровга солмиш,
Уйғониш — бу сендан айрилиб қолиш.
Сен кетма, йўқолсин майли бу қўрқув,
Шоирлар айтгандай ухлайин мангу!

Мана, ҳар томонда болалар қувнар,
Жажжи юзларида қувончлар ширин.
Ёмғирлар, мовийдир, мовийдир сувлар,
Еллар энтикади оромбахш сарин!

УИДАГИ ЛАҲЗА

Тушиб келар ойдан бир овоз,
Бир қўшиқ таралур оламга.
Энди йўл бор қувончга, холос,
Энди йўл йўқ асло аламга.

Ойдан бир мусиқа тушадир
Яккаш кўнгил, тинглайди олам.
Мусиқанинг бағрида бир ҳур —
Бахтсизликни билмайди одам.

Бу шунчаки ой эмас зинҳор,
Бу шунчаки ёруғлик эмас,
Адолатли ўқлардир зиё —
Зулумотга қараб учган сас!

КУИЛАМОҚ ИСТАИМАН

Мусаввир Исфандиёрға.

Мовий далаларга қараб йўл олдим,
Атлас шамолларнинг қадрдон ҳиди.
Навқирон юрагим! Э, дунё қадим!
Сиз билан бўйлашмоқ истадим.

Оқиб ўтаётган, э, пастак уйлар,
Юриб келаётган салобатли тоғ.
Ойналар ортида сокинлик куйлар,
Кўкиш уфқларда тўқ қирмизи доғ.

Бу учқур бедовни тўхтатиб бўлмас,
Сочим шамоллари соғинч қўйнида.
Бедор турналарнинг қаторидан сас
Кўзимга урилиб шўнғир куйига.

Кўнглим булоқлари ёзар қанотин,
Кўзимнинг ғозлари сузар оҳиста.
Дилимда яратган кенгликлар ёди
Тирилиб, юксалиб борар. У, ҳислар!

Эшиклар ортида биқсиган жонлар,
Узини уй билан ўраган одам,
Кафтимча ҳам келмас тубан томонлар,
Мен улкан чўққига яқин келган дам.

Мажруҳ алангалар, чиркин таъналар,
Э, мудроқ наволар, э уйғоқ хоблар,
Хайр-хўш қиламан маҳдуд санамлар,
Хайр-хўш қиламан, аччиқ шароблар!

Мен асли ҳеч кимман, йўловчи одам,
Мен эзгу ҳисларнинг кичик ошнаси.
Бепоен инсоний қайғуда ҳотам,
Мен бахтнинг, меҳрнинг улкан ташнаси.

Қишлоқлик жигарлар, дуркун болалар,
Нсга бегонадай турибсиз қараб.
Сўзлашмоқ истайман куйчи далалар,
Куйламоқ истайман сочингиз тараб.

Сувчиман, куйчиман, мен ўланчиман,
Ҳей, учиб синганлар пастак тахтидан!
Кўлимда кетмоним, қаламим билан
Куйламоқ истайман юртим ҳақида!

Порлоқ-порлоқ кўзли далалар,
Оппоқ-оппоқ сўзли осмоним,
Қаҳратони уйғоқ аллалар,
Баҳорлари ёруғ армоним!

Зангор кенгликларга қулочим ёзиб,
Бахтиёр сузаман хаёлий бахтда.
Мусаввир дарёни кўксимга босиб,
Куйламоқ истайман ватаним ҳақда!

* * *

Булутларда гуноҳ йўқ, гулим,
Гуноҳ йўқ чақмоқда — ўтда,
Гуноҳ осмонда, кўкда.

Бу оламда гуноҳ йўқ, гулим,
Гуноҳ йўқ ишқда.
Гуноҳ ошиқда.

Одамларда гуноҳ йўқ, гулим,
Гуноҳ йўқ бадкирдорларда.
Гуноҳ юрагида ишқи борларда.

Ҳеч ким, ҳеч нарсада гуноҳ йўқ, гулим,
Гуноҳ йўқ осмонда, заминда.
Гуноҳ сенда, гуноҳ менда.

Топишолмадик, гулим.

* * *

Ташқарида қор ёғар майин,
Юмшоққина овоз туяман.
Шовқинларга тўла бошимни
Шу овоз бағрига қўяман.

Қандай гўзал қор ёғар кўкдан,
Қандай-қандай гўзаллик ёғар!

Туйгуларнинг қанотин ўпган,
Хаёлларим тўлғониб оқар.

Қувнаб-қувнаб йиғлайди осмон,
Ўйнаб-ўйнаб учади кўзёш.
Ўйлаб-ўйлаб қўнади, шодон
Куйлаб-куйлаб эрийди бардош!

* * *

Кўкиш тоғдан қарасанг,
Кўринар кўкиш водий.
Кўкиш сочин тарашлар,
Ул шамсу қамар содиқ.

Балки кўкиш кўйлақда
Кузатганинг учундир.
Кўкиш кўз билан меҳр
Узатганинг учундир.

Яйраб-яйраб учганда,
Қушлар кўкиш кўринар,
Соғинч мени қучганда,
Тушлар кўкиш кўринар!

УМИД

Нега сен йиғладинг,
Нега жим турдим?!

Боқиб яқин уфқнинг шафақларига.
Бу куйгун саҳрода қандай югурдинг,
Ёшингни тошларнинг бошига урдинг.

Нега мен экилган дарахтдай қолдим,
Қўлим — шохларимни пинжимга қисиб.
Югурмай, жойимда туриб мен толдим,
Қани меваларим — Қувонч — хуш исим.
Қандай қилиб энди ўсаман бунда,
Хаёлларга боғлаб парвозларимни.
Қандай қилиб энди тўсаман кундан
Чиқмаган баргларим — —овозларимни.

Дарахт соғинар, деб йиғласа биров,
Сен ҳам ишон энди.
Изим ҳам ўзим —
Мен тушлар кўраман — чўлларим қиров,
Мен тушлар кўраман — чўлларим қизил.
Кўзларимда туман эмас, қора чўғ,
Кипригимда эриётган бу қордир,
Ҳали умид тамомила сўнган йўқ,
Чуқур ботган томирлари бедордир.

Мен тушлар кўраман — уфқлар йироқ,
Чопиб бораётган икки одамни,
Қўллари — гуллари, йўли — гул тупроқ,
Умрида кўрмаган ишқий мотамни.

Тушларимга кирар: ол тонглар — бахтлар,
Шафқатли оқ шомлар, қорайган шафақ.
Соғинсанг йиғлаю, биров, дарахтлар,
Ўтин бўлар деса, ишонма фақат!

1941 ЙИЛ. ОЛМАЛАР.

Осмон пастлаб келаверди, ҳай аттанг,
Дарахтларга тегаверди, ҳай аттанг,
Еллар шишиб елаверди, ҳай аттанг,
Шохларини эгаверди, ҳай аттанг,

Япроқлари учаверди, учаверди,
Мевалари тушаверди, тушаверди,
Тўп-тўп этиб йиқилса ҳам ер кўтарди,
Лаби қонаб, лат еб тупроқ қучаверди.

Бу олмалар поездларда кетаверди,
Ва етилиб йироқларга етаверди.
Ниҳол эса умид билан, умид билан,
Бўронларга боқаверди, боқаверди.

* * *

Чўққиларга қор тушди бу кун,
Саҳроларнинг тамшанди лаби.
Чўққиларга қор тушди бу кун —
Майсаларнинг зангор матлаби.

Чўққиларга қор тушди бу кун,
Учиб кетди сайрон қушлари.
Чўққиларга қор тушди бу кун —
Водийларнинг оппоқ тушлари.

ДАРАХТ

Учлари титраб турар,
Нега қимирлар дарахт?
Шамол йўқ,
Тинч,
Осуда,
Дарахт қимирлар фақат.

Уйлайди ҳайрон-ҳайрон,
Боқолмайди пойига.
Пойида эса шу он

Кайфияти жойида,
Бепарво битта одам
Жим арра тортар эди.
Сен эдинг ўша одам,
Ўша одам мен эдим.

Титраб тушди бешафқат,
Дарахт қалқиниб... кетди.
Сен эдинг ўша дарахт,
Ўша дарахт мен эдим.

* * *

Наҳот улар қайтди,
Наҳот ёниб турар чироқларим.
Шу атрофда юрарман дайдиб,
Кулиб турса бўлди оппоқларим.

Ҳеч қачон тушмасман ҳижрон — тузоққа,
Мени бошлаб келган ёлғизлик — дарддир.
Шарт эмас кирмоғим менинг у ёққа,
Аммо чироқ ёниб турмоғи шартдир.

* * *

Кўкда учиб кетаётган қуш,
Хавотирсиз орзу жаҳонинг.
Учаётиб кўраяпсан туш,
Атрофингни — мовий осмонни.

Тушларимда учиб юрарман,
Мен қўнмоқни қилмасдан хаёл.
Ватанимда тушлар кўрарман,
Мен кўрарман уни безавол.

* * *

— «Сен лаънати!»
— «Ҳа, мен!»
— «Аблаҳсан!»
— «Ҳақсан!»

У хаёлан қилар эди жанг,
Ғанимларин айлар эди мот.
Эшитилди қандайдир жаранг,
Ғолиб хаёл тез бўлди барбод.

Урилдими идишга идиш,
Тегиб кетди ё биров нохос.
Қисиб келса агар-да ташвиш,
Кетиб турса омад ҳам оз-оз,

Қарс ёпилган эшигу дарча
Нақ юракка келиб урилар.
Душманингга айланар барча —
Бақир-чақир, шовқин, ур-сурлар.

* * *

Мен булоқни соғиндим,
У бўталоқ кўзидай тиниқ.
Чечакларни соғиндим,
Улар мени кутишар интиқ.

Мен онамни соғиндим жуда,
Кўзларини соғиндим.
Бу кўзларнинг туби-тубида
Поклик ётар унга сигиниб.

Мен онамни соғиндим жуда,
Қўлларини соғиндим.

Бу қўлларнинг туби-тубида
Юрак ётар унга сиғиниб.

Қишлоғимни соғиндим жуда,
Тушларимга киради саҳар.
Соғинчимни тортар ортига,
Уни қўйиб юбормас шаҳар.

Ундан жудо бўлмоғим мумкин,
Мумкин уни ташлаб кетмоғим.
Кўзларимга урилиб лекин,
Бир андиша боғлар оёғим:

Онам кўзларининг тубида
Ишонч ётар, ўғлим пок, деган.
Мен онамни соғиндим жуда,
Кўзларини соғиндим беҳад.

ҲИЖРОН

Ер ёнар, кўк тутар,
Чеки йўқ саҳро.
Қўлимдан ким тутар,
Мен бунда танҳо.

Осмоннинг юзида
Қуёш айланар.
Менинг кўзларимда
Кўзёш айланар.

Ҳар қалай, олдинда
Сароб эмас, йўқ,
Денгизми, осмонми,
Кўзларингми... ўҳ!

ВАТАН

Еруғлик бор толпинмоқда ҳам,
Эзгулик бор тинмас тақдирда,
Мен болангман, бағрингдан изла,
Мен изларман сени бағримдан.

ШУНДАЙ ГҶЗАЛСАҢКИ...

Мен сенга тикилиб туриб юзма-юз,
Энг ёруғ сўзимни айтмоғим керак.
Бироқ бу журъатсиз кўнглимда ҳануз
Ёнган азобларим... Куймаган юрак!

Қаторларда елдим сен сари шитоб,
Учоқларда учдим сарсари, сарсон.
Дилимда қанчалар айладим хитоб:
«Мен сени севаман! Сенсизман, ишон!»

Алпомишдан кучли, Фарҳоддан баланд
Бир зотни изларми сенинг кўзларинг.
Шу хаёл қайлардан келмишдир, бадбахт!
Букилиб-букилиб кетар тизларим!

Бир сурат чизилар дилингда ҳар кун —
Энг маъюс, энг гўзал, покиза бир зот.
Бахтиёр чехрамни қопламишдир хун,
Ёнинга бир боқиб қўймайсан наҳот!

Шундай нозиксанки, шунчалар гўзал,
Уйласам, энтикиб қалқинаман жим.
Беш аср нарида оҳ урар ғазал:
Султонлар осийдир.. гадолар муслим!

Боқиб сўнгсиз тунлар хаёл қаърига —
Тиз чўкиб, тўлғониб, тик туриб ярим;

Шундай босаманки сени бағримга...
Қисирлаб синади қобирғаларим!

* * *

Ҳамма тарқаб бўлди. Хонамда шамол —
Эсмаган шамолнинг шовқини кезар.
Қўнгилда ҳувиллар қандайдир малол,
Гўё берк хонада эсар елвизак.

Гўёки булутсиз осмонлардан қор,
Ёмғирлар ёғади бу берк уйимга.
Қайдадир адашган баҳордан ғубор —
Туманлар қўнади тоза ўйимга.

Бари бир хонамда қўшиқлар айтдим,
Бари бир кўмилдим ҳур эртақларга,
Мен бўм-бўш қадахни сипқорар эдим,
Мен сувлар қуярдим йўқ чечакларга.

Руҳимда боладай йиғлади баҳор,
Руҳимда қайғулар очилди обод.
Менинг шундан бошқа қандай дунём бор,
Қандай аъмолим бор мақтагулик шод.

Ёруғ сувратингга тўлуғдир жаҳон,
Ҳеч ким босолмаса ўрнингни наҳот?!
Қорларин ёғдирар тип-тиниқ осмон,
Менинг берк хонамга гул отар ҳаёт!

ХАБАР

Барчинойдан бир чопар келди,
Ҳабар келди мушфиқ паридан,
Йироқдаги мусофир Бекнинг
Кўзлари тўрт муштипаридан.

Хабар келди — чайқалди сукут.
Хабар келди — буюк ҳаяжон.
Хабар келди — қўзғолди вужуд.
Хабар келди — тўлғонди осмон.

Қирлар ортда қолди думалаб,
Иўллар пастда қолди ўралиб.
Қўлларини чўзди думалоқ
Осмони бор Қўнғирот аҳли.

Тоғлари-да, боғлари-да шан
Тонглаарида туш кўрар ҳали.
Қўлларини чўзди бепоён
Замини бор Қўнғирот аҳли.

«Барчинойга қилинган таклиф
Ҳақоратдир меним элимга,
Ғанимларнинг муроди маълум —
Завқ туймоқдир чашми селинган.

Билакларга сиғмади ғайрат,
Торлик қилар ғазабга қалби,
Отилмаган ўқмиди нафрат
Қонларида тошади алпнинг.

Осмон етти букилур,
Юлдузларда тўкилур,
Бир оҳ урса Алпомиш
Тоғлар лос-лос сўкилур.

«Иўл сол энди жуда баландга,
Чиқар энди тулпорим қанот!
Хуш қол энди, қонли аланга —
Она шаҳрим! Аҳли қўнғирот!»

Наъра тортди алп йигит биринчи бор,
Булутларга найза бўлди Бойчибор,

ЖУРА ПОЛВОН ХОТИРАСИ

Надомат бўлсинким, ҳали ҳаётда
Эзгуликка пичоқ санчгувчилар бор.
Жўражон, ҳаммамиз қолдик гафлатда,
Жўражон, ҳаммамиз йиғладик зор-зор.

Бу фақат ўлимнинг йиғиси эмас,
Бу йиғи — дунёнинг битмас андуҳи.
Ким шуҳрат тоғига от қўйдими, бас,
Унга санчилади гоҳ ҳасад тиғи.

Кўпинча бу жаллод яроғ узундир,
Кўпинча увоқдир унга қалқонлар,
Гоҳида атрофда қотиллар юзи
Гафлатда гоҳида дўсту ёронлар.

Кўпинча атрофда қотиллар юзи —
Энг гўзал ҳисларга улар жаллоддир.
Кўпинча хонадан чиқмаган орзу —
Шоирлар истаган тоза ҳаётдир.

Лолалар очилган тоғларда чўғдай,
Чечаклар ёзилган йўлга гиламдай.
Фақат сен йўқдурсан, фақат сен йўқсан,
Олчалар гуллаган ёруғ оламда.

Сенсиз эсаверар бу сотқин сабо,
Сенсиз гуллайверар эгасиз борлиқ.
Бу йиғи — қолганлар умрига сабоқ,
Бу йиғи — дўстларга энди ҳушёрлик.

ОНА

Ҳеч қаёққа бормайман энди
Менга шу уй торми, она.
Дерлар, она кўнгли болада,
Бизда кўнгил борми, она.

Дилингизда ёшлар оқар-ку,
Кўришганда кулсангиз ҳам тинч.
Наҳот бизни қувасиз мангу,
Наҳот бизга етолмайсиз ҳеч.

БОЛАЛИК

Илтижо қиламан сенга гоҳида
Барча илтижоли диллар сафида.
Биламан, сен мени қабул этмайсан,
Мен сендан жой сўраб келган мусофир.

Майда одатларни мақбул тутмайсан.
Сен ўжар мезбонсан. Улли мезбонсан.
Барча илтижоли диллар сафида
Илтижо қиламан сенга гоҳида:

Муқадас Ёлгон,
Эй, покиза эрк!
Сенда жой борми,
Мени қабул эт!

Сенда жой борми,
Яйрайин тўйиб.
Бағрингга олгин,
Эй, Буюк Уйин!

ҚҰЛДОШНИНГ МАКТУБИ

Б...га.

Иўл бошида қолган ёринг унутма.

Қўшиқдан

Кўринмай кетдинг-ку, давом этавер, —
Кетган йўлларингга қараб тураман.
Энди сен қайтмассан, майли, кетавер,
Сен ҳақда энг гўзал хаёл сураман.

Ипақдай у юмшоқ қўлларинг билан
Сидириб қўясан кимнинг ёшини.
Мен энди кимга ҳам тилайман тилак.
Босиб қай оғушга оғир бошимни.

Майли, сен кетавер, майли, кетавер,
Кўринмас бўйингга қараб сўйлайман.
Сен асло қайтмагин, иқболга қўл бер,
Сен ҳақда энг гўзал ўйлар ўйлайман.

Еришиб келмоқда тоғларнинг бошй,
Бугун бу қуёшнинг нури тиглайди.
Эҳ, шундай саҳарда тўлиқиб, тошиб,
Синглимми, онамми — кимдир йиғлайди.

Адашсанг йўлларда, қорли чўлларда,
Тонгми, шом ўртаса дилингни фироқ.
Келавер, биласан ўша... тепамада
Доим порлаб турар мунглиг бир чироқ.

Ўйлабми, куйлабми борасан, бахтлар
Малҳам, қўя бошлар тўлган ярангга.
Ногоҳ титраб қолса бир кун дарахлар
Қайтдингмикан, дея шошиб қарарман.

Қушлар чувлай бошлар бу боғларда шод,
Бу ҳазин ҳовлимдан ғамни қувгайман.
Агар бахт берса ҳам бир куни ҳаёт,
Сен ҳақда энг ғамгин ўзим куйлайман.

БАХТЛИ УИ

Хуфтон ўйлар билан тўлганда бағрим,
Сен қайтмаган кунлар бир оқшом пайти
Қанотлари синиқ, оғир каптарим...
...Одатига кўра, подалар қайтди.

Шафақ тарафларга боқиб ўксиндим,
Синди улкан жомнинг улкан бўлаги.
Толлар шовуллади — қайда ўксиндинг,
Ногоҳ титраб кетди боғча кўлмаги.

Тилаклари зуҳур ёниқ тонгларда
Дур-дубул тоғлардан насимлар эсди.
Жилғалар куйлади зўр оҳангларда,
Менинг жим дилимни жим еллар эзди.

Адирларга сочиб қувонч ва кулгу,
Бойчечаклар олди рўмолларини.
Бу баҳор чоғларин лаҳзаси мангу,
Уйғотар мангулик шамолларини.

Шу жажжи кўксига яхшилик жойлаб,
Қўл чўзган майсалар жавон байтмилар.
Одатига кўра, шарора сойлар
Марварид қўшигин тўлиб айтдилар.

Ҳар жойда одамлар хурсанд, шодумон,
Ҳар жойда янграган жонфидо куйдир.

Багрига-ку олди бахтли оломон,
Икковмиз йўқотдик бир бахтли уйни.

Қалдирғочлар қайтди, қайтди турналар,
Узун қўшиқларга кўмиб борлиқни.
Каштали айилдай илон судралар,
Илонлар куйлайди бахтиёрликни!

Олам саодатга тўлган айёмда,
Мунгли хаёл билан бедор турибмиз.
...Биз тонгга ўхшаган маҳзун оқшомда,
Уша бахтли уйни излаб юрибмиз!

* * *

Не учун севгидан шикоят,
Қон ютинг, не учун қон сочмоқ.
Муҳаббат азоби — салтанат,
Шикоят, демакким, жон сотмоқ.

Жонимни сотмайман, кечаман,
Муҳаббат, заҳаринг ичаман.
Зулфингга осилиб ўламан —
Севгилим, севганинг бўламан!

Не шоҳлар ихтиёр этмишдир,
Фидолик, гадолик, адолик.
Кўксимдан ғуборлар кетмишдир,
Тиз чўкиб айласам «хато»лик.

Шаҳаншоҳ сингари одамман,
Жазонгдан жудолар қилмагин.
Муҳаббат азобинг — малҳамдан,
Айрилсам, тайиндир ўлмагим.

Муҳаббат азобинг — салтанат,
Ва ундан зиёддир аслида.
Демак, мен шоҳлардан ҳам баланд —
Азалий гадолар наслидан.

СЕН БАХТЛИ БЎЛ

Сен бахтли бўл, сен омон бўлгин,
Иқболларга ўраниб яша.
Тилаклар нафасига тўлдим,
Йўлларингда югурдим қақшаб.

Чилдирмалар садоси келар,
Гов устига қўйиб яна гов.
Изғиринлар устимдан кулар:
«Ўз тўйига кечиккан куёв».

Оқшом чўкди тоғлар ортига,
Қўшиқларга тўсиқ бўлди тоғ.
Мен кечикдим куйлар юртига,
Мен бу юртдан жудо бўлдим, оҳ!

Мен адашдим бу далаларда,
Қизил қорда кўзим қамашди.
Ўкирдим тубсиз дараларга,
Илон изларингда адашдим.

Йўлларингда югурдим, тўлдим,
Мен кечикдим — мен ўзимга ёв.
Сен бахтли бўл! Сен омон бўлгин,
Шамолларга отилган олов!

СЎЗ

Сўз —отилмаган ўқ,
Ичимда ётар.
Йўқ,
У менинг ўзимни отар.

Толаман,
Бу сонсиз жароҳатлардан.
Мен омон қоламан
Бир куни
Бу офатлардан...

Йўқ.
У ҳеч кимни ўлдирмайди.
Йўқ.
Мен омон қоламан —
Отилади ўқ.

* * *

Ерни тэпмоқ бўлди,
Тепмади.
Уйдагилар билмасин, деди.
Совуқ еди,
Жонини еди,
Уйдагилар билмасин, деди,
Уйи тору кўнгли кенг эди,
Аёзда,
Айвонда
Қўлларига секин ухлагди,
Уйдагилар билмасин, деди,
Уйдагилар иссиққина ухлади,
Уйдагилар —
Шунча гофилми?! —
Меҳмонлар эди.

ШИФОҲОНАДА

Дунёда уруш, алкоголизм ва бошқа мусибатлардан осор чекаётган болаларга.

Оғочлар гуллади, гуллар бир ёнди!
Сувлар куйладилар, куйлар тўлгонди.
Деразалар секин ёзди қанотин,
Зўр завқдан кўкда ҳам кулгу уйгонди.

Дарахтлар шохида гулдай қушчалар,
Гулларда шабнамлар — қушларнинг кўзи.
Шабнамлар бағрида кулгич гунчалар,
Тилларингдай бийрон баҳорнинг сўзи.

Сен нега кулмайсан энди, болажон,
Кипригингда шаффоф юлдузлар ёнмиш.
Мен сенга қарасам, завқим чалажон,
Қайта қиш уйғонмиш, баҳорлар тонмиш.

Йўқ, мени келтирмиш оддий тасодиф, —
Оддий ҳаётимнинг зарурати бу.
Озғин вужудингга қарайман қотиб,
Ғамли кўзларингда синиб ётар нур.

Акангми, отангга ўхшадим чоғи.
Талпанглаб мен томон юра бошладинг.
Кўксингда ўзинг ҳам уқмаган оҳинг —
Балки ҳеч киминг йўқ... кўзинг ёшладинг.

Йиллар тинглар ўктам, мушфиқ навони,
Бир шоир мўйсафид ота сингари
Аллалар ерни ва жумла жаҳонни:
«Сен етим эмассан, тинчлан, жигарим!»

Йиғладинг. Бағримга бошингни қўйдинг.
Вужудингдан улуг ёшингни туйдим.
Турналарим менинг қогоздан, дединг,
Шамолсиз учмайди бир оз ҳам, дединг.

Тилларингдан сенинг! Учдами ёшинг,
Митти вужудингда улкан бардошинг.
Сенга шифо бўлсин, менга дард бўлсин!
Дардингни олайин, кўзларинг кулсин!

Дунёда неки бор, ғойибдан келмас,
Дардинг ҳам бир дардли вужуддан мерос.
Мен ўзим ўзимга бераман овоз,
Турфа иллатлардан бўлай деб халос.

Огриққа чидаган — мард, бола,
Огриққа чидагин, мард бола,
Энди кўзларингни арт, бола,
Огриққа чидашинг шарт, бола!

Мени ҳам, сени ҳам шифолар одам,
Ҳамдардлик ва мардлик, меҳрда ҳотам.
Тузалдим Сен мени яқин олган дам!
Қиёматли болам! Диёнатли болам!

Дунёда жамики хаста болалар —
Менинг болаларим — асал болалар.
Рўзгор ҳам, замон ҳам, ҳаёт ҳам асли,
Болаларнинг буюк шифохонаси!

Лекин барча соғлом сенга ўхшамас,
Лекин барча хаста сенга ўхшамас,
Лекин барча табиб шифокор эмас,
Дунёда дард чеккан одам муқаддас!

Мен чиқар эканман шифохонадан,
Неки деган бўлсам, бехосдан дедим.

Гарчи бахт кўрганман бу замонадан,
Турналарим менинг қоғоздан дедим.

Сен йиртиб ташлайсан ҳазин ва ингроқ
Ясалган турналар — қоғозларингни
Ҳам сеза бошлайсан узоқ ва узоқ
Ҳақиқий турналар овозларини.

* * *

Мен ўзимга ўзим хоқонман,
Занжирларим менинг узилган.
Сен ўзингни тортмайсан ҳамон —
Кўзларинг бўлакча сузилган.

Мен ёмон адашдим. Энди бас.
Сурундим. Сурундим. Сурудилар.
Менга қаро сочларинг эмас,
Қарашинг занжирдай туюлар.

ИУЛОВЧИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

1

Усмон Носирга.

Тун чокин сўкканда кўзимни очдим,
Отландим мақсадим манзили томон.
Умидлари уйгоқ гўдак каби жим
Қуёш бешигида ухларди ҳамон.

Ҳамон олисларда ёнар чироқлар —
Зарбоф тўнни ҳали ечмаган само.
Ширин туш кўрмоқда ширин қароқлар,
Ушбу дам шоирлар бедордир аммо.

Ачиз ҳаётимнинг сўқмоқларидан
Ҳали гени йўлига чиққанимча йўқ.
Шу орзум оромбахш қийноқларидан
Тобора ловулла қалбимдаги чўғ.

Уша чўғ ёлқини порлагай мудом,
Сирли сўқмоқлардан йўл очиб озод.
Мен эса, сўқмоқда не кўрган бўлсам,
Кўрганим куйлайин тингла, ҳей ҳаёт!

Мен кўриб турибман барча-барчасин,
Чунки биз — ҳилолга гул экар инсон.

Лек, тили чиқмаган гўдакдай, баъзан
Нечун дилда борин этмаймиз баён,
Қайдадир урилиб замон тошига
Кулгулар олисга кетмайди сингиб,
Қайдадир инсоннинг азиз бошида
Метиндай таёқлар турибди синиб.

Манглай тери билан кўкарган дарахт,
Наҳот таёқ бўлса, асо ўрнига.

Ўзини ўстирган инсонни бевақт,
Бадбахт тобут бўлиб элтса гўрига,
Фарзанди оқпадар ўксук отанинг
Ҳолига ўхшайди наздимда бу ҳол.

.
Сен содиқ фарзанд бўл, эй, шеърим маним,
Ё, майли, бағримда армон бўлиб қол!

ЧУПОН

Қара, қара, бу қандай чўпон,
Заҳматни севади сурувдан кўра.
Бу сурув ювошдай ҳар қачонгидан
Жим сузиб юргандай адирни ўраб.

Бу чўпоннинг таёғи ҳам йўқ,
Лекин бардам ҳар қачонгидан.
Лозим бўлса, битта қўй учун
Жонидан ҳам кечадиган.

Қўзилатиш яқин,
Пичоқ йўқ. Бироқ
Тикилса...
Бўрилар ҳатто ёлборар.
Етмай қолса агар бирор қўзичоқ
Ўзини саноққа тиркаб юборар.
Қандай чўпон ўзи бу чўпон?

МУҲОЖИР

«Оёғингни узат кўрпангга қараб,
Сен ўзи кимсану, талабинг нима?
Борми ташвиш келса ғамингга яраб,
Бирга қувнайдиган ёруғ кунингда.

Нима керак ўзи? Бунча қайсарлик?
Шаҳоншоҳ ўтганми бирор аждодинг.
Шу қайсар бошингга тош тегса ногоҳ,
Борми тинглайдиган сенинг арз-додинг?»

Рост, дейман гоҳида ғамларда толсам,
Аламларда толсам рост, дейман бот-бот.
Ночорлик шаҳрида муаллақ қолсам,
Борми қўллайдиган бирор улуғ зот?

Йўқ, дейман уйғониб яна саҳарлар,
Йўқ, дейман тош теккан бошимни ушлаб.
Келар насиҳатлар — азиз ҳамдардлар,
Юрар соҳиблари кўнглини хушлаб.

Аслида дўстларим душманимдан кўп,
Келган йўқ бошимга касофат қутқу.
Менинг ўйларимда хавотир тўп-тўп,
Менинг ватанимдир сўнгги йўқ қайғу.

Мен томиб яшайман қирмиз зиёдан,
Кичик одам дея ўйламанг сиз ҳам.
Ким азоб чекибди покдир дунёда!
Ким қайғу чекибди энг катта одам!

Бу ўзи ғуррамас, бу ўзи тождир,
Билмайман, не берган олис аждодим.
Мен ўзим шаҳоншоҳ, бу тожли бошдир,
Қувонч ўлкасида Муҳожир — отим.

Қайғу ўлкасига содиқ фуқаро,
Маъюслик тоғида муқим Фарҳодман.
Кимдир у қайғурган — бахтли шаҳоншоҳ,
Демак, қувончлардан мен ҳам озодман!

Хоҳлаган тарафга узатгум оёқ,
Шудир мақтайдиган ёлғиз ғуборим.
Сизга аччиқ қилдим, кечдир тузатмоқ,
Кўрпаларни эса ёқиб юбордим!

ЮРАК

Кўнглимда қандайдир хижиллик, тугун,
Қайдан пайдо бўлди бундайин хитлик.
Ҳаёт берилган-ку, яйрамоқ учун,
Завқ сурмоқ учун-ку, ахир, йигитлик.

Қайдан келди бундай номаълум ғашлик,
Эрталабдан буён юрдим паришон.
Хаёл, йўлларингда минг бор адашдим,
Юрак, сурурингни пастлатдим қачон?!

Юрак, ғижимланиб турибсан ҳамон,
Эрталабдан буён қўндими ғубор.
Руҳимни нимадир тирнайди ёмон,
Юрак, «мушук»ларни қувалаб юбөр!

Юрак, мушакларни қўйиб юбөргин,
Бир оз ором олай, бир оз унутай.
Қўнглимга тўшалган бепоён қорнинг
Пинжида мен сени аста эритай.

Қайси мансабдорга хушомад қилдим,
Қайси бир паскашга эгдим бўйшимни.
Сенинг истагингни йўлим деб билдим,
Оғритдим қайириб гоҳо йўлимни.

Ёки бир ғарибга бердимми өзөр,
Қайси хўрланганнинг кўнглини тилдим?
Юрак, қийнайверма бунчалар бекор,
Сенинг истагингни йўлим деб билдим.

Билдиму гоҳ йўлда қолдим муаллақ,
Гоҳ олдга талпиндим,
Гоҳ өртга қайтдим.
«Катта ўғриларни фош қил, бўлсанг ҳақ»,
Иложим йўқ дедим.
Тўғрисин айтдим.

Шундан орамизда оғриқ уйғонди,
Йўл ришта сингари ингранди узоқ,
Сен тортдинг,
Мен тортдим,

Тугун тўлғонди.
Хаёллар қийналди.
Қийналди — азоб!

Мен ўйлаб қарасам, сен ҳақ экансан,
Кетавер, қолайин шу иқроор билан.
Мен қулу, сен ҳоким-мутлақ экансан,
Кетавер, ҳокимда бор виқор билан.

Мен ўйлаб қарасам, номард шерикман,
Кетавер, қулоқ тут садоларингга.
Мен маҳкум фанога сен мангу тириксан,
Мен тўсиқ эканман нидоларингга...

* * *

О, бевалар!
Қандоқ йиғлашар!
Тизларига муштлашар.
О, йигитлар!
Қандоқ йиғлашар!
Овозларин ичига ютиб.
Сенинг на муштинг бор,
на тизинг,
Жаҳонни бузди
Менинг бу лаънати овозим.
Эшитмасман ўзим.

* * *

Қушга айланади одамнинг жони,
Айланар одамнинг жони дарастга.
Мангу яшамоқнинг буюк макони
Бахтимизга шундай айланми э бахтга!

Ҳар ким ҳам юртида шоҳдай яшамас,
Ҳамма ҳам оҳ урмас Бобирдай содиқ.
Ҳар кимнинг ҳаёти қушга ўхшамас,
Ўхшамас дарахтга ҳар ким ҳаёти.

Бироқ бахтимизга айланмиш бахтга
Мангу яшамоқнинг буюк имкони —
Айланар одамнинг жони дарахтга,
Қушга айланади одамнинг жони!

Бахтга айланади — яшамоқ азиз,
Ҳижронга айланар бир кун яшамоқ —
Бахтга айланади ўлмоқ, шубҳасиз,
Улимга айланмас бахтимиз бироқ!

СЕНИ ДЕБ ЧОПГАНДИМ

Адирлар йўлларга очган бағрини,
Йўллар

адирларга

санчилиб қолган.

Мен сени эслайман бир оз огриниб,

Бир оз табассумим...

янчилиб қолар.

Сени шу йўлларда бахтим, дегандим,

Сен сари дарёдай тўлиб оққандим.

Чечаклар таққандим...

бахт хаёлига,

Бугун бахт олдида ноҳақ оқландинг.

Мен ўзим бузаман бугун қабримни,

Кўп вазмин бузаман,

Чиқаман ёриб.

Сабримни ютаман,

Тишида тутаман
Ва сени ўрнимга қўяман ҳориб.

Сен эса қандайдир бахтлар қўйнида,
Узингча шодумон,
Узингча тирик.
Узимча бахтиёр мен ҳам ўйимда,
Узимнинг қайғумга мен ўзим шерик.

Мен янгроқ йўлларда шодумон унсиз,
Йиллаб ва асрлаб сенга чопгандим.
Адирлар сингари поёнсиз, сўнгсиз
Қалбимни очгандим,
Сенга очгандим.

Аччиқда қаргамай ишқни-сағирни,
Қисматим бир бахтли тоқатда толган.
...Адирлар йўлларга очган бағрини,
Йўллар
адирларга
санчилиб қолган.

ҚИЁМАТЛИ ДУСТ

Мен Сенга
юрагимнинг тубида ётган
Сирни айтганман,
Жимжит юраверсам
Тўлиб кетганман —
Усаверган ичимни тирнаб,
Лаънати,
Эрамиздан нарёқларда қолиб кетган
Искандарнинг узун шохлари.
Сир ҳар қачон
ҳаётига тенгдир одамнинг.

Огаммисан, иниммисан,
Улугмисан, кичикмисан,
Энди менга
Қиёматли дўстсан —
Қиёматли жигар,
Мен сенга
 юрагимнинг тубида ётган
Сирни айтганман,
Хоҳласанг, бу сирни...
Аллақачон пуллаб бўлдингми,
Нега жим
 бошингни эгасан,
Қўй, хижолат бўлма,
Пул нима бўпти,
Шухрат,
Мансаб нима,
Жон берсам кам
 қиёматли дўст учун,
Қўй, менга оғир
 бошингни эгма,
Сир — ҳар қачон
 ҳаётига тенгдир одамнинг.

ЯНА БАҲОР ҚАЙТАРМИКАН...

Маҳмуд Тожибоев хотирасига.

Дилинг сенинг каптар эди, отилди,
Кўзинг сенинг дафтар эди, ёпилди.
Меҳр сўзи сузиб кетди сен билан,
Чўкиб кетдинг, қирғоқларинг қотилдир.

Баҳор сенга қайтди, дарё музлади,
Гуллар ёнди — босолмаган изларинг.

Баҳор келиб қиш лабида кузлади,
Аёз қотган ёзларингнинг кўзлари.

Қушлар келди, Маҳмуд деди, уд деди,
Ҳеч бўлмаса майли, рубоб тут деди.
Ердан учган буғлар эмас дуд, эди,
Қушлар эмас, ҳаёт эди, дод эди.

Эриди, тоғларнинг қори эриди,
Дилларнинг қайғуси, зори эриди,
Туманлар қариди, ғамлар ариди,
Соғинчлар ёшарди кўзлар қаърида.

Меҳрлар битилган дафтар ёпилди,
Ҳаётларга учган каптар отилди.
Ҳақ йироқ, ҳар қадам ноҳақ топилди,
Билмадим ҳаётми... ўлим қотилдир.
Билмадим ҳаётми... ўлим қотилдир.

Мардумлар кўп эди дўст орасинда,
Марҳумлар кўп эди дўст орасинда,
Шошмасанг бўларди, бунча шошмасанг,
Марҳумлар кўп энди дўст орасинда.

РАҲМ

Ийқилсам қайрилдинг, кўз очсам кетдинг,
Алангалар қилдим, бермадинг садо.
Мен бахтсиз бўлдимۇ бағрингга етдим,
Бахтиёр дамларим, энди алвидо!

Алвидо, эй жасур дил учқунлари,
Бахтли йўлларимга аламлар сепдим

Иссиқ бахтсизликдан қон учқунлади,
Бахтсизликни севдим, тамоман севдим!

Юзу кўзларимдан иссиқ ҳарорат
Томмоқда, қизариб борар йўлларим.
Қўлларингни севдим, бошимда роҳат,
Бунчалар титрайди унсиз қўлларинг.

Сўнгсиз саҳролардан ўтдим мен соғлом,
Ҳижрон зардобларин ютдим мен соғлом,
Илтижо қиламан, қиламан нидо,
Мени соғайтмагин, шафқат қил худо!

Энди мағлубликни сева бошладим,
Энди насиб этди мушфиқ ёшларинг,
Ураб турса шундай сочларинг бўйи,
Розиман, мен узоқ ётсам шу кўйи.

Сенга озоримни — қабоҳатимни
Бахш этган бағрингда содиқ беваман.
Севаман мен сонсиз жароҳатимни —
Малҳам нафасингни севаман!

* * *

Мен сизни билмайман, сиз учун ҳаёт
Балки мулойимдир, жуда ҳам майин,
Лекин жавоб беринг, нечун одамзод
Камгап бўлиб борар улғайган сайин.

Қафасда яшаркан бу беданалар,
Нечун бахт шаънига ўқир мадҳия.

Бунча сўлим шовуллайди бедалар,
Гўзал шивирлайди ўрим олдидан.

Ўрим гўё ўлим каби туюлмас,
Бу майсалар қандай ўтди ҳамални.
Нечун каптар кўзларидан қуйилмас
Бир уйни айланиб учмоқ алами.

Дор кутади. Улимгача бир кеча.
Каҳрабодай дилга тортар душман сўзин,
Муса Жалил ўша кеча уча-уча
Мангуликка етди, балки кетди ўзиб.

Бир кеча тонггача узоқдир,
Бир кеча тонггача бир лаҳза.
Юрагимда менинг титроқдир,
Кўкрагимда менинг зўр ларза.

Ненидир бажармоқ керакдир,
Бошламоқ керакдир бирлашиб, тўлиб,
То қўли қисқарсин разил эрмакнинг,
Токи жаҳолатнинг кесилсин йўли.

Недир қилмоқ керак ҳаётдай обод,
Мукаррам ва мушкул, зарур ва хуррам.
Токи хурсанд бўлсин Алпомиш, Фарҳод,
Токи хурсанд бўлсин Муса Жалил ҳам!

КУНТУҒМИШ

Бахшимиз Қодир акани эслаб.

...Шуйтиб, Кунтуғмиш болаларидан айрилиб, қанотлари қайрилиб, қайдасан, ёру жоним, деб, олам-жаҳоним, деб, сенга яна етишсам, бу дунёда шодлигим, муҳаббатда, яшаида шоҳлигим, гошан тож-тахтим деб, тополмай ишқингда куйиб ўтсам ҳам бахтим деб, гоҳ ўйлаб, дардларини сўзга солиб куйлаб турган, гоҳ ўз-ўзига сўзлаб, э, дунё деб бўзлаб турган жойи экан:

Йўллар қайтиб менга учди,
Айтиб йиғлаб мени қучди.
Қисмат бахтдан кафан бичди —
Олам-жаҳоним менинг.
Қайдасан, жоним менинг.
Уқ еган қуш — йўл йиқилди,
Унсиз товуш — қўл йиқилди,
Ортда беҳуш — чўл йиқилди —
Олам-жаҳоним менинг.
Қайдасан, жоним менинг.
Йиқилган от — нажот қолди,
Сўзсиз фарёд — ҳаёт қолди,
Қолди барбод — озод қолди —
Олам-жаҳоним менинг.
Қайдасан, жоним менинг.
Аччиқ ҳақиқат... қандларим,
Йўқдир ширин фарзандларим,
Жонларимиз пайвандларим —
Олам-жаҳоним менинг.
Қайдасан, жоним менинг.
Азоблар тўлғонди, дедим,
Қайғулар сарбондир, дедим,
Гулханлар уйғонди, дедим —
Олам-жаҳоним менинг.
Қайдасан, жоним менинг.

Жон, дедим, жонлар, дедим,
Борми имконлар, дедим,
Ёнди карвонлар, дедим —
Олам-жаҳоним менинг.
Қайдасан, жоним менинг.
Айланди баҳор лаҳзага,
Уйнади тош — қор лаҳзада,
Хотирот — мазор ларзада —
Олам-жаҳоним менинг.
Қайдасан жоним менинг.
Гуноҳларим бўлса кечир,
Изтиробдан оғу ичир,
Уйларингдан, майли, учир,
Олам-жаҳоним менинг.
Қайдасан, жоним менинг.
Офтоб кўзим шамдай, қаранг,
Ўзимни ҳам илгар аранг,
Кўзим маҳзун, бошим гаранг, —
Олам-жаҳоним менинг.
Қайдасан, жоним менинг.
Йўллар сўраб бийрон оқди,
Мени ўраб гирён оқди,
Сенга еру осмон боқди —
Олам-жаҳоним менинг
Қайдасан, жоним менинг.
Булбулларим ўлди, мана,
Булбул бўлдим ёна-ёна,
Мен не қилдим, фалак, сана —
Олам-жаҳоним менинг.
Қайдасан жоним менинг.
Ёқалар ҳўл — ўғитлар бор,
Олдинда кўл — сукутлар бор,
Боғланган кўл — умидлар бор —
Олам-жаҳоним менинг.
Қайдасан, жоним менинг.

Ҳажринг билан лолазорман,
Лутф айласанг бемадорман,
Қайғунг билан бахтиёрман,
Олам-жаҳоним менинг.
Қайдасан, жоним менинг.

ХАТОЛАР

Жуда кўп яшадим. Хатоларимга
Ташаккур айтаман — суяниб юрдим.
Хатолар — умримнинг таёқларига
Гарчи кўзим тушса, уялиб турдим.

Ёлғон хатом эди. Баъзан рост хатом.
Хатолар — йўлимда сабоқларимдир.
Хатосизлик эмас юксак муддаом,
Муддаом — хатога саботларимдир.

Фақат мен ўзимни алдадим гоҳо.
Ғамгин кунларимни алдаб яшадим.
Агар атар бўлсак шуларни хато,
Хатоли кунларни алқаб яшардим.

Ёлғонлар сўзладим. Манфаат қули
Айтган ёлғонларга эмас қариндош.
Гоҳо айтганимга юрмади тилим,
Гоҳ ақлим ҳукмига қилмади бардош.

Гоҳо мем қўрқаман хатоларимдан,
Улар йўлда қолган чуқурларимиди?
Агар юрар бўлса бирорга одам
Синдириб қўймасми учқурлигини?

Жуда оз яшадим. Зилдай бу бошим —
Елкамни тоғ каби босди хатолар.
Утган хатоларим энди қўлдошим,
Йўлимга тўқади нурли садолар.

СУЗГА

Умр кўкламидан ўтиб бормоқда,
Сени кутиб кўзимда малол.
Сени кутиб лабим толмоқда,
Эсақолгин, анвойи шамол.

Сени кутиб, ҳайҳот, юрмоқда Умр,
Тўхтаб кутмоғини истардим жуда.
Елақолгин энди, ҳаётбахш Сурур,
Келақолгин, майли, қийноқ мавжида.

Сени кутиб қақраб тилим толмоқда,
Томақолгин энди эй, жонбахш Оғу.
Ханжарига умрим қўли бормоқда,
Қалқон бўлақолгин, умрбахш Орзу.

* * *

Уфқ ортида ўсаётган гул,
Мен сенга саломлар йўллайман.
Бетин тепар кўксимга дулдул,
Мен уни қўллайман, қўллайман.

У бир кун бузади қафасин,
У бир кун ипини узади.
Пойингга ёяди нафасин.
Кўксингга шабнамлар тизади.

Уфқ ортида ўсаётган гул,
Зангоридирсан, балки напармон.
Уфқ ортида ўсаётган гул —
Эй, кўнглимда кўкарган армон!

ШАРҚ

Жамоли ложувард оловлар чорлар,
Силкиниб напармон хитобларидан.
Ҳамон димоқларга тутунлар ўрлар,
Шарқнинг ёниб кетган китобларидан.

Қулоққа урилар улкан мовий сас,
Товушлар кўринар шу уммонга ғарқ.
Қирғоқда энтикиб олади нафас,
Зил-зил занжирларни узаётган Шарқ!

БАҲОР ОСМОНЛАРИ

Бир ажойиб тонг билан майин
Қўшилишиб ёмғирлар ёғар,
Оч пистоқи, ложувард, заиф
Нурлар сели — зумрадлар оқар.

Дурлар сочар, ҳовурлар сочар —
Само боқар хурсанд оғриниб.
Эшик очар, дарчалар очар —
Тутар замин ташна бағрини.

Минг хил рангда товланар ҳаёт,
Минг хил рангда яллигланар ишқ,
Барчасига улгурмайди шод
Ёнгинларда энтиккан қўшиқ.

Мен қандайдир унсиз ўкраниб
Кўйлагимни ечиб отаман,
Телба жунун тўла кўкракни
Шу ёмирга тутиб ўтаман.

Майсаларнинг оғушида жим,
«Абадийлик каби адашиб»,
Юрагимга ёмғирлар қуйсин,
Деб танимни ечиб ташлардим,

Ғилофларни синдирмоқ пайти, —
Усар юрак очиқ бағирда!
Бутун олам ёниб порлайди,
Унинг шаффоф учқунларида!

Менинг юртим осмонини ҳеч
Тарк этмайди абри найсонлар!
Кўзларидан қуйилар севинч,
Порлар ёмғир аро инсонлар.

ШУНДАЙ БИР АЙЁМДА

Булуғлар оқ бўлди,
Кўк бўлди осмон.
Жилғалар мўл кулди —
Гуллагансимон.

Каптарлар уқдилар,
Турналар қайтди.
Қалдирғочлар пар-пар
Қўшиқлар айтди.

Кулди қизғалдоқлар,
Ёнди пориллаб.
Оқди қизалоқлар,
Селдай шариллаб.

Шарқироқ сойларда
Қиқирлайди Кун,

Кўп узоқ жойларга
Кетиб қолди тун.

Жилғалар кўп кулди —
Титрагансимон,
Булутлар оқ эди,
Кўк эди осмон.

Булутлар қизилдир,
Осмон ҳам қизил,
Сукутлар қизилдир,
Ёбон ҳам қизил.

Шундай ёниқ дамда,
Шундай оламда,
Томоққа тиқилган
Нафасни туйдим,

Шу осмон остида,
Шу ер устида,
Қаноти қирқилган
Ишқимни суйдим.

МЕНИНГ ҲАҚИҚАТИМ

(Баҳодирнинг шеъри)

Хувайдо момонинг
Пуларини ким олди,
Ким синдирди деразаларин?

Лол эдим
Ва аранг турардим,
Босиб ичимдаги ларзаларимни.

«Ким олди?»
Мен золим Носирдан кўрқардим,
Хам қилиб бошимни
Тўкардим
Унсизгина кўзимдан
Дув-дув ёшимни.

— Ким олди?
Ҳақиқатни айт! —
Муаллим қайтарди.

Носир эса:
— Анув юрувди,
Тагин билмадим, — деб тинмай
«Ҳақиқат»ни айтарди.

Ва менга қаради муаллим,
Важоҳату
Сиёсат билан.
Унинг ҳозир Носирдан
Кўнгли тўқ эди.
Мен жим турдим,
Бошимни эгдим,
Чунки менинг
Ҳақиқатим
 йўқ эди!

МЕҲР

Изтиробдан, майли, лаззат ол,
Умр каби ўтар гам, қувонч.
Мен келмадим йўловчи мисол,
Дўстим, оғам, эшигингни оч!

Дилимизда содиқ эди аҳд,
Омонми у барқарор ишонч.
Бизни боғлар буюк оқибат,
Дўстим, оғам, эшигингни оч!

Мен келмадим бунга беҳуда,
Кутаяпман, кўзларимда ёш.
Мен меҳрга чанқоқман жуда,
Дўстим, оғам, эшигингни оч!

САЛЬВАДОР АЛЬЕНДЕ. ТУН.

I

Қоп-қора нур сочган бу қандай юлдуз,
Бу қоп-қора булутнинг оти сочми?
Нега бўғар мени, бунча қаттиқ, муз.
Бу темир сиртмоқми, қаёққа қочдинг?

Уҳ бунчалар тубанлаб кетдим,
Бу кир уйлар қайдан келди-я.
Мен сен билан кўп тоза эдим,
Мен сен билан буюк эдим. Ҳа!

II

Бунча ваҳимали шивирлайди тун —
Бу бўм-бўш оламда бирор одам йўқ.
Бегона юлдузлар мудрайди беун,
Ой ғариб, осмонда музлаб қолган чўғ.

Таъқиб қила бошлар жисми йўқ кўзлар,
Қочмоққа йўл қани, бир нажот қани?
Бунча атрофингда изғишар бўзлаб,
Бунча даҳшатлидир мушуклар жанги.

Бунча эзиб учар кўксингни тоқат,
Тугаб битмадими унинг бардоши.
Бунча юзларингни ювар бешафқат
Ҳолдан тойиб қолган бўронлар ёши.

КАТТА КУЧА

Ҳаёт — оила.

Ҳасёт — катта кўча.

Ҳаёт — кўрганларинг, кечирганларинг

Ҳаёт — кўрмаганларинг, кечирмаганларинг.

(Адибнинг суҳбатидан)

Ҳар куни чиқаман кўчага,
Учратай деб меҳри хотамни,
Юзи пайғамбарга ўхшаган,
Кўзи доҳиёна одамни.

Зўр фикр — ифода акс этса,
Кимнинг фариштали юзида,
Ихтиёрсиз салом бераман,
Қувончлар юксалиб кўксимда.

Ҳаяжонда қараб қоламан,
Мен унинг қошида қул мисол.
...Баъзи кунлар бўм-бўш,
Толаман.

Шаҳар бўм-бўш,
Чўл мисол.
Иўқ, хато.
Узимдан ўтади.

Шошилиб...

боқмайман ёнимга.

Ёнда фаришталар кутади,
Алик олмоқ учун саломимга.

Мана, бу гўзалга бир қара,
Кўзида, сўзида ғубори борми?!

Бахтларнинг ичида энг сара,
Улуғ бахт
 кўрганим
 нотаниш дилдорни.
Дили беғуборни
Адашган мусофир болага.

Уксиган
Елгизга
Ердам берган дўст,
Мен сени бағримга оламан,
Гарчи танимасман.
 Униб, ўс!

Сенинг қўлларингдан чиққан бинолар,
Нопок оёқларни олмас бағрига.
Лиммолим соғинч — илтижолар,
Юксалар қалбингнинг қаърида.

Кўзимни ҳайратли самога
Менгзайман, порлайди қувончли бир ун —
Ташаккур айтаман дунёга,
Бағрида сендай мард борлиги учун!

Лекин ҳар кун шу эмас тақдир,
Лекин ҳар кун эмас шу тақлид,
Одам бу йўловчи — «мусофир»,
Одам — шоир,
 одам — мунаққид.

Куйлаб кетаверсанг кўнгилда қолган
Армонни, баъзида, хўмрайиб кутар —
Арслон терисини ёпиниб олган
Тулқилар кўзингдан липиллаб ўтар.

ХОТИРА

Ҳар ён гулга тўлди,
Ҳар ён чечакка,
Бошин кўтаргандай бўлди мажнунто.
Шу иқбол юртида,
Утириб якка,
Маъюс қувонч билан хўрсинди чол.
Қайсидир кунларни,
Йилларни эслаб,
Хаёллари чак-чак томиб бағрига.
Чол «Ҳайт!» дер,
Қўлини қиличдай сермаб,
Шодон бўриларнинг галаларига.

ЗИНДОН РИВОЯТИ

Уз ҳолим и ҳийронман, бисэ...

Алишер Навоий

Баҳордан энтиккан саҳролар,
Шиддатли қушларнинг оқими.
Ёйилиб оққан ҳур дарёлар —
Осойиш кунларнинг хотири.

Тоғларда тонглардай кунимиз,
Оҳулар базмийди нурафшон.
Қўнгиллар қаърида хунимиз —
Ишқимиз, гулимиз заъфарон.

Бугун-да мен сени чорлайман,
Гарчи сен келмассан, қувонч йўқ,
Ва лекин ёнингга бормайман,
Гарчи кенг шаҳарда суянч йўқ,

Бу ҳижрон қалъаси мустаҳкам,
Жаннатий қушларнинг сўзи йўқ.
Гарчи бу дунё ҳам чинакам,
Чинакам дунёнинг ўзи йўқ.

Ўзи йўқ дунёнинг чинакам —
Сўзи йўқ, кўзи йўқ, кўзи йўқ.
Дўстлар бор мустаҳкам, мустаҳкам,
Душман бор, кўринмас юзи йўқ.

Муштимни қаёққа ураман,
Душманнинг юзи йўқ, юзи йўқ.
Хастаман, телбаман, куламан,
Дунёнинг ўзи йўқ, ўзи йўқ.

Кўксимни захларга бераман,
Оғриқлар, қайғулар, туси йўқ.
Не учун кўксимни кераман,
Дунёнинг юзи йўқ, юзи йўқ.

Қўшиқлар устидан куламан,
Жинниман, баттарман, бебошман.
Қалтираб илтижо қиламан,
Шаҳар ҳокимаси ҳей, осма!

Ҳижрон маликаси тинч қўйгин,
Кетарман кўшкингни қоралаб.
Қонхўрсан ўзингни бир сўйгин,
Бағрингдан очилсин яралар.

Алвидо! Алвидо! Дил-дор-а!
Зиндонга қайтаман, зиндонга!
Мен сени айтаман... эй, ёра!
Юз бурдим бундайин жаҳондан!

Муносиб олам бор оламда,
Хаёлда имкон бор, имкон бор.
Қон бордир ҳамиша аламда —
Зиндон бер! Хиндон бер! Зинҳор бер!

Баҳордан энтиккан саҳролар,
Шиддатли қушларнинг оқими,
Ёйилиб оққан ҳур дарёлар,
Ҳей, сокин кунларнинг хотири!

Қаёқдан келдингиз, қаёқдан!
Зиндонга қайтаман, зиндонга!
Пўшт-пўштэ. Кўринмас таёқлар!
Зиндонга қайтаман, зиндонга!

Фироқлар! Эргашманг, хайр, хуш!
Пичоқлар! Йўл беринг! Пўшт-пўшт!
Қайтаман мен ёруғ жаҳонга —
Зиндонга қайтаман, зиндонга!

САНЪАТКОР

(Андрей Вознесенскийдан)

Париж қарсақлар урди,
Фестиваль шовқинида.
Сенга соврин буюрди,
Бу — «Яланғоч маъбуда».

Кутиб олар дўстларинг,
Уйга элгар кўнгил тўқ.
Уйда-чи, йўқ ҳемири,
Уйда-чи, ҳечвақо йўқ.

Қарайсан, бурчаклар оч,
Ҳаяжонли рутубат,
Деворлар бўш, яланғоч —
Қип-яланғоч маъбуда.

Таклиф этди... зарлашни,
Йўлда боқулик ошна.
Маъқул кўрдинг яшашни
Яланғоч, худоларча!

Дуч келгандир балки роль,
Эзгу сўз оғушида.
Нима, яланғоч қирол!
Қип-яланғоч маъбуда...

Деразанинг ортида
Ҳимоясиз шамсия
Ҳимоясиз истеъдод —
Қип-яланғоч Россия!

Шундай ёлғиз, тақдирлар
Мангу олов ёнида,
Қуп-қуруқ талинкалар
Газнинг ним ёнғинида.

Бурчакдан милтиллади
Тамаки тутунида —
Оҳ, актёрлик қисмати!
Оҳ, яланғоч маъбуда!

МЕН СЕНИ СЕВАМАН

Мен сени севаман худбин ишқ бирла,
Ўзимни қилмасдан қурбон, севаман.
Ҳали айтилмаган ишқий қўшиқ-ла —
Силқиган дoston-ла пинҳон, севаман.

Намоён айлама, майли, йўқ-боринг,
Фақат хаёлимни тарк этмасдан тур.
Ўзингни кўрмадим, ёниқ рухсоринг
Ҳар лаҳза ўйимга сочиб турди нур.

Ҳа, фақат сенда бор бу шаффоф вужуд,
Ҳа, фақат сенда бор, чунки сен нурсан.
Армонли руҳимда алангали ўт,
Чунки сен дилимда менинг зуҳурсан.

Подшолардан баланд, фуқародан паст,
Бўшлиқда гадодай муаллақ эдим.
Вужудингдан эмас, меҳрингдан эмас,
Мунаввар сиймонгдан айирма, дедим.

Илоҳий ишқ билан мен сени севдим,
Мен сени яратдим зарраларимда.
Қонимда уйғотдим, ёнингга келдим,
Кўр каби сўз қотдим маҳрамларингга.

Яқинда кўр бўлган одамдай ёндим,
Уйида, тушида кўргандай «қондим».
Гўзаллик яратган худодай тондим,
Қаршингда кул бўлдим, қайта уйғондим.

Тайёрман! Ато қил азобларингни,
Аммо сен уйғонма, муқаддас гафлат!
Токим мен ўлиб ҳам эъзозларингни
Изимда қолдиру йўқ бўлма фақат.

Токим, мен ўлиб ҳам хок бирла ўсиб, —
Сенга чўзавсерай яшил қўлимни.
Вужудга айланма, қайтарай, тўсиб
Тиканли хаёлдай ўнгу сўлингни.

Ахир, сен рухсорсан, илоҳий тилак,
Мени жудо этма азиз фарёддан.
Вужудга айланма, тоза рашк билан
Сени қизғонаман нопок ҳаётдан!

БАҲОНА МОНОЛОГИ

Мен сабр,
бардошни унутдим,
Чунки мен тоқатда қийналиб кетдим,
Энди мени тоқат тарк этди,
Чунки сабр
Ўз исми жисмига монанд
Матонат кўрсатди,
Кўрсатди матонат, лекин
Сабр деганига коса дегани
Тўғри келмас —
Бачкана эди,
Чунки сабр —
жуда улкан,
Коса деганлари
Кичкина эди.

СЎНГГИ САҲИФАЛАР ТААССУРОТИ

Юзларимга мамнун оромлар ёйиб
Хотирамга урилади болалик — исёнкор.
Фильм... «Инқилобчи...»
Овоз — қўшиқ каби мулойим,

Овоз — гулдуракдай кескин, жарангдор.
Тун бўйи лабларим пичирлар,
Тишларим қисирлар,
Етолмайман тун бўйи.
Тонг... ухлаб қоламан
Қўлларим мушт бўлиб тугилган кўйи.
Уйғонаман.

Қўлларим мушт бўлиб тугилган кўйи.
О, қандай соз! Қайтмабди
Отам тунда даладан.
Мен «инқилоб» бошлайман
Семиз қўшни боладан.
Улғайдим.

Отмоқда
Ойбек айтган тонг.
Деразамга сачрар Йўлчининг қони.
Столимда «Қутлуғ қон»:
«Ҳозиргина келдим Сибирдан
Тарк этиб зиндонни».
Мен аҳмоқ
Бепичоқ
Ахтараман бою хоқонни
Қўлларим мушт бўлиб тугилган кўйи.
Етолмайман тун бўйи.
Мана, чўкиб бўлди Мартин Иден ҳам,
У лопиллаб турган уммонга чўкди.
Кемада чайқалиб жимгина
Кўтарди, кўтарди залворли юкни.

Мен ношуд.
Қақшаб чайқаламан.
Чайқаламан қақшаб.
Қуруқликда юриб,
Қуруқликда яшаб.

* * *

Кириб келаверар хонамга шуъланг,
Яна кўпроқ кирар — чироқ ўчирсам.
Ёпиқ деразамдан кириб келасан,
Ёпиқ эшиклардан кирасан.

Сенинг нурларингда
Шуъла бор, сут бор,
Тилла бор, қайғу бор,
Қувонч бор, ўт бор!

Қиш ёмон эмас,
Эшикнинг ёпилгани ёмон,
Ёпиқ дарчалардан кириб келасан
Сени яхши кўраман, Оймомажон!

ЛИГО¹

(Ояр Ваццетисдан)

Кимнингдир юраги
туни билан
оловдай порлаб турар.

Қўл текиза кўрма,
ялтироқ қуртни
безовта қиласан.

Оқ тунларда
қирққулоқни
эркига қўйиб юбор.

¹ Л и г о — латишларнинг ёзги байрами*

Иффагли дарахтзор
шод
хўрсинади.

Юрак яна
туни билан
оловдай порлаб турар.

Қўл текиза кўрма,
ёнар қуртни
сўндирасан.

* * *

— Йўлдош!
Йўлдош!!
Йўлдош!!

Қарамадим,
Эшитмадим,
Анча вақт
Англамадим.

Ўз ўйларим билан овора,
Анча ерга бориб қолдим
Ва сесканиб кетдим илк бора,
Ўзимни,
Ўз ҳаётимни ўйлаб,
Мени чақирди ахир,
Олисларда қолиб кетган дўст. —
Кечир мени,
Э, янгроқ ҳаёт!

Кечирингиз мени, дилором,
Дилозор, беором, беозор қизлар!

Бу паришон дўстни,
Бу телба ошиқни,
Бу гофил ўғлонни, кечиринг!
Аслида сизларга қайтмоқда эдим,
Жуда қисқа муддатли сафардан —
Жуда узун муддатли хатардан —
Суст кунларнинг
Узун,
Хира кўлкасидан —
Олис-олис ёлғизлик ўлкасидан.

Барча хушнуд давралар —
Олисларда қолиб кетган дўст,
Барча ёруғ орзулар —
Олисларда қолиб кетган дўст.

Барча қушлар, хушхонлар —
Олисларда қолиб кетган дўст.
Барча ғариб,
Ҳатто ғолиб душманлар —
Олисларда қолиб кетган дўст.

Барча бахтлар —
Бахт деб чеккан бахтсизликлар
Олисларда қолиб кетган дўст,
Э, янгроқ ҳаёт —
Олисларда қолиб кетган дўст!

Мен сизларга қайтмоқда эдим.
Ўз ўйларим билан оввора,
Узоқларга бориб қолдим
Ва сесканиб кетдим илк бора.

Илк бора мен сени тан олдим,
Мен сендан тондим,
Ў, сен менинг йўлдошим,
Вақтинчалик отдошим,

У, сен — Ёлғизлик!
У, бағри тошим!

Чақирма,
Алвидо!
Мен яқин довондан ўйламай ошдим.
Йўқ, йўқ, адашмадим.
Балки мен шошдим.

...Аслида сизларга қайтмоқда эдим,
Хушнуд давралар,
Ёруғ орзулар,
Қушлар хушхонлар,
Барча ғолиб,
Барча ғариб душманлар,
Барча бахтлар —
Бахт деб чеккан бахтсизликлар.
Мен сизларга қайтмоқда эдим,
Қайтмоқда эдим
Э, янгроқ ҳаёт!

* * *

Мингта гуноҳ қилишиб
Кулишади, кулади.
У битта хато учун
Мингта ўтда куюди.
Куйган одам — покиза,
Куйган одам — гуноҳкор эмас.
Ўтлар орасида унар у.
Яшар бўлсанг шу ўтнинг
Ёруғида яшайсан,
Ёнаётган одамга
Кулиб нигоҳ ташлайсан.

Кун келарки, ўзингни
Гамли ўтда кўргайсан,
Елборасан, титрайсан,
Ёнаётган одамдан
Битта гуноҳ сўрайсан.
Ёнаётган одамда
Ут
Бор.
Яқинлашма,
Жизганак бўлма.
Сен севимли курсингга
Ут,
Бор!
Утириб ол.
Томоша қил.
Деразага тикил.
Қандай ёруғ бу олам!
Бу ёруғ олам — ёнаётган одам!

УРУШГА БОРАЁТГАН ПОЕЗД

Хайр!
Гамгин ўйлар ортилган оташарава!
Тинмай таши бор бисотимни.
Хаёллар — чувалган калава,
Чувалтирар ҳаётимни.

Сен каби учади узоққа,
Қолдириб бизларни, —
Уз уясини.
Жонимиз тушгандир тузоққа,
Бир у ёққа,
Бир бу ёққа, —
Куямиз.
Майли, сен юриб тур тинмайин, .

Ҳаловатни таши,
Оромни таши,
Таши, уч!
Сенинг белинг синмайди!
Сен — поезд шаклидаги бурч!
Ичингда нафратлар қийнайди.

Сенинг белинг синмайди!
Паҳлавон йигитлар
 тўлдирган белигни,
Унутиб қўймагин фақат элимни.

БИР СЎЗ

Бир сўз менинг юрагимда тебранди кўп,
Айтолмадим. Ингранди кўп. Ингранди кўп.
Сўзсиз айтдим. Англамадинг. Тингламадинг.
Биз сўз менинг юрагимда эмранди кўп.

Эмранди кўп. Юрагимдан айрилмади.
Йиллар ўтди. Асрлар ҳам. Қайрилмадинг.
У қафасда. Ҳар нафасда... сен яйрадинг
Сўз бечора бўлиб-бўлиб жим сайради.

Қайтганингда, ўзинг бир сўз айтганингда
У дунёдан ўтган эди. Утган эди.
Пайқамадим қайтганингни, у пайтларда
Марҳум сўзга мен мотамлар тутган эдим.

Қийналди кўп. Ингранди кўп. Тўлғонди кўп.
Кейин жони олов ичра жим ёнди кўп.

ТУЛ КЕЛИН ТУШ КҰРДИ

(Омондурди Аннадурдиевдан)

Тул келин туш кўрди,
тушида, ана,
дуч келди бўз ўғлона.

Йигит
алжиради,
инжилди,
ағнади,
ағанади —
бир далли девдек,
йиглади.
Қўлларини ёзди қушдек,
ўтирди,
қунишди,
йиғинди муштдек.

Тул келин туш кўрди,
тушида ана,
шундай деди келбатли йигитина:
«Қўрқмадингми бу қутурган бўрондан,
Музлаб қотмадим аёздан қалбинг,
Қандай келдинг?!
Қандайлар келдинг?!
Бекорчи қариларнинг
 кўзлари ўткир,
Қулоқлари эшитгир,
 сўзлари учқур,
Қандай келдинг?!
Қандайлар келдинг?!

Шоҳи чойшаб
 ўралибди бўйнима, —

Мени бу илоннинг қўлидан олдин,
Қандай келдинг?!
Қандайлар келдинг?!

Келибсан,
 келмаклик эр йигит иши!
Аммо қўрқмагин сен,
 сандирамагин,
Мен ҳеч кимга
 айтмасман
 бу тушни,
Йўйдирмасман бу тушни!»
Тул келин туш кўрди,
 кўрган тушини
менга сал сездирди,
мен бир хил бўлдим,
Не учун келдим?!
Не учун келдим?!

У келин
у йигитни
хоҳлаб кетмишдир,
У йигит
У келинни
талаб кетмишдир,
Оҳ, у туш!
 Оҳ, у туш!
 Ташлади ўтга!
Тушга кирган йигит... менмикан?!
Ёки...
Мен кезиб юрибман
 ўз-ўзимга
 иш бўлиб,
Мен кезиб юрибман
 ўз-ўзимга
 туш бўлиб!

ҚУШЧИ ҚУШИҒИ

«Қадим оҳанлар» туркумидан.

Қўш ҳайдаю қўш ҳайда,
Ҳайдамасанг, нон қайда.
Иродангни қаттиқ қил,
Лекин ерни бўш ҳайда.

Кимга ҳам етар эди
Илтижо-унларимиз.
Шу қўшиққа суюниб
Утмоқда кунларимиз.

Илмни хор этдилар
Бу жаллодлар, каззоблар,
Илмга зор этдилар
Болаларни азоблаб.

Бечоралар узукун
Қўш ҳайдаб, уруғ экар.
Кўзларига офтоб, тун,
Юлдузлар сингиб кетар.

Сўнгсиз меҳнат далалар,
Умидларин парчинлар.
Оҳ, алпомиш болалар!
Оҳ, қизлар — ойбарчинлар!

Дунё ҳам не учундир
Нўноқ табибга ўхшар.
Меҳнат ўғли беилм,
Бойваччалар ўқишар.

Бу жаллодлар, каззоблар
Ҳаммани хор этарлар,

Ҳалолликни азоблаб,
Ҳаромни ёр этарлар.

Қўш ҳайдаю қўш ҳайда,
Ҳайдамасанг, нон қайда.
Иродангни қаттиқ қил,
Ҳўкиз, ерни бўш ҳайда.

Мен сенга ҳасратимни
Айтаяпман жимгина.
Тушунмайсан дардимни,
Сен нима, подшоҳ нима.

Элу юртни эзишар
Салтанатнинг итлари.
Ҳаммаёқни кезишар
Оқ подшо йигитлари.

Орқасин зина этар
Мансабнинг хўтиклари.
Ижарага қўйишар
Виждону вужудларин.

Ҳаммасини қўй каби
Бўғизлаб сўяр эдим.
Бу итларнинг кўзини
Бирма-бир ўяр эдим.

Лекин уйда бир этак
Гўдақларим кутишар.
Уларга дардим — эртак,
Тушунмай қон ютишар.

Кўраяпсан, мен ҳам бир
Ночорликдан задаман.
Кўраяпсан, мен ҳам бир
Қўш ҳайдовчи бандаман.

Қаттиқ дардим пинжида
Изтиробга урдим тўш.
Менинг кўнглим бўш жуда,
Лекин шудгор каби бўш...

Умидларим сарғайиб,
Ситам ўтди бу жондан.
Умидларим дон бўлсин,
Ун бўлсин тор маконда.

Қўш ҳайдаю қўш ҳайда,
Ҳайдамасанг, нон қайда.
Иродангни қаттиқ қил,
Лекин ерни бўш ҳайда.

ТААССУРОТ

Тинчиди ойнаи жаҳон,
Китобим ҳам бекилди.
Тепчиди терлар ёмон,
Кўксимга ёмон тўкилди.

Сукунат ўртасида
Гурсиллайди овозлар,
Уйғонади сасидан,
фотиҳлар...
маликлар...
гумроҳлар...

ТОМОША

От шиддатли сапчийди кўкка,
Кўзларида чақнайди юлдуз.
Қамчи ёғар. От турар тикка.
Тумшуқ — кўкка қадалган бигиз.

Қамчи ёғар. От чопар ночор.
Итқитолмас жоҳил соҳибин.
Арқонда судралар бир дилдор,
Тингламайди арқон оҳини.

Қамчи ёғар. От чопар ночор.
Узилмайди бақувват арқон.
Судралади қип-қизил Ой. Хор.
Оқар гўзал елкалардан қон.

Оқар гўзал оёқлардан қон,
Оқар олтин ёноқлардан қон.
Қабоқлардан, қучоқлардан қон,
Оқар қотил бу чоқлардан қон!

Қамчи ёғар. От чопар ночор.
Ким айлади соҳибни мажбур.
Бу қандай ор! Оҳ, бу қандай ор!
Томошабин — мен кўзи оққур!

Ёғиламан. Чопаман ночор.
Фармон бердим. Узим сурдим от.
Узилмайман. Оҳ! Бу қандай ор!
Сени судраб яшайман, ҳайҳот!

* * *

Йўлингга ўйим туташ,
Дилга дил туташурми?
Сен — оташ. Мен — оташ.
Оралиқ адашурми?

Қадамим сенга қарам,
Қадамимга мен қарам.
Сен — маҳрам. Мен — маҳрам.
Оҳ, оралиқ... номаҳрам.

МУНДАРИЖА

Сабурлар порлайди	3
Ўзбекистон, аллаларингда	4
Инглаётган қиз	5
Тоҳир	6
«Титраб-титраб...»	8
«Ҳаммаёқ анвойи...»	9
Уйдаги лаҳза	10
Куйламоқ истайман	10
«Булутларда...»	12
«Ташқарида қор ёғар...»	12
«Кўкиш тоғдан...»	13
Умид	13
1941 йил. Олмалар	14
«Чўққиларга қор тушди...»	15
Дарахт	15
«Наҳот улар...»	16
«Кўкда учиб...»	16
«Сен лаънати...»	17
«Мен булоқни соғиндим...»	17
Ҳижрон	18
Ватан	19
Шундай гўзалсанки	19
«Ҳамма тарқаб бўлди...»	20
Хабар	20
«Агар менинг қўлимдан келса...»	22
Жўра полвон хотираси	23

Она	24
Болалик	24
Қўлдошнинг мактуби	25
Бахтли уй	26
«Не учун севгидан шикоят...»	27
Сен бахтли бўл	28
Сўз	29
«Ерни тепмоқ бўлди...»	29
Шифохонада	30
«Мен ўзимга ўзим хоқонман...»	31
Ўловчиннинг айтганлари	32
Чўпон	34
«Муҳожир»	34
Юрак	35
«О, бевалар...»	36
«Қушга айланади, одамнинг жонни...»	37
Сени деб чопгандим	38
Қиёматли дўст	39
Яна баҳор қайтармикан	40
Раҳм	41
«Мен сизни билмайман...»	42
Кунтуғмиш	44
Хатолар	46
Сўзга	47
«Уфқ ортида ўсаётган гул...»	47
Шарқ	48
Баҳор осмонлари	48
Шундай бир айёмда	49
Менинг ҳақиқатим	50
Меҳр	51
Сальвадор Альенде. Тун	52
Катта кўча	53
Хотира	55
Зиндон ривояти	55
Санъаткор (А. Вознесенскийдан)	57
«Мен сени севаман...»	59

Баҳона монологи	60
Сўнгги саҳифалар таассуроти	60
«Кириб келаверар...»	62
Лиго. (О. Ваҷиетисдан)	62
«Иўлдош...»	63
«Мингта гувоҳ қилишиб...»	65
Урушга бораётган поезд	66
Бир сўз	67
Тул келин туш кўрди. (О. Аннадурдиевдан)	68
Қўшчи қўшиғи	70
Таассурот	72
Томоша	73
«Иўлингга...»	74

На узбекском языке
Юлдаш ЭШБЕК (ЭШБЕКОВ)

ГОЛУБЫЕ ЖУРАВЛИ

Стихи

Тякрийзчилар. Н. Каримов, С. Раҳмон

Жамоатчи ред. А. АЗЪАМ

Нашриёт ред. А. ҚУТБИДДИНОВ

Рассом Г. ҲОШИМОВА

Расмлар ред. А. МАМАЖОНОВ

Техн. ред. М. МИРРАЖАБОВ

Корректор О. ТУРДИБЕКОВА

ИБ № 3955

Босмахонага берилди 14. 07. 87. Босишга рухсат этилди 29. 09. 87.
Р 03674. Формати 70x90 1.32. Босмахона қорози № 2. Ян-
ги оддий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 2.92.
Шартли кр-оттиск. 3,06. Нашр л. 2.94. Тиражи 10000. Заказ №
33. Баҳоси 35 т. Шартнома. 72—87.

Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129.
Тошкент Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси.
Бекобод — 702909. Аббосов кўчаси.

Эшбек Йўлдош.

Мовий турналар: [Шеърлар]. — Т. :Адабиёт ва санъат нашр., 1987. 80 б.

Чиқиш маълумотларида авт. :Йўлдош Эшбек (Эшбеков).

Йўлдош Эшбек — ўзбек шеърлятида етмишинчи йилларнинг ўрталаридаги ўзига хос янги руҳга мансуб шоир. Қўлингиздаги тўпламда шоирнинг инсоний дардлар, ижтимоий гашвишларга йўғрилган асарлари жамланди. Шоирнинг халқ оғзаки ижоди анъаналарини янгича талқин эта олган, замонавий шеърлят оҳангларини уйғунлаштирган шеърлари сизни беътибор қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Эшбек, Юлдаш (Эшбеков). Голубые журавли: Стихи.